«Андижон тажриба синов заводи» акциядорлик жамиятининг 2021 йил молиявий-хўжалик фаолияти учун ички аудит хизмати

ХИСОБОТИ

Мен, Абдураҳмонова Тоҳирахон Ганиевна (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2018 йил 25 сентябрда берилган Ўз АП № 00049-рақамли ички аудитор малака сертификати эгаси) «Андижон тажриба синов заводи» акциядорлик жамиятнинг ички аудит хизмати аудитори вазифасида фаолият юритиб, жамиятнинг 2021йил молиявий-хўжалик фаолияти бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли «Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкини зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган «Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисида»ги Низом тамойиллари асосида акциядорлик жамиятининг қуйидаги бўлимларида аудиторлик текшируви ўтказдим:

Корпоратив бошқарув тамойилларига амал қилиниши

Ўзбекистон Республикаси Корпоратив бошқарув Кодексига кўра, корпоратив бошқарув деганда, акциядорлик жамияти фаолиятини самарали ташкил этиш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жихозлаш, рақобатдош махсулот ишлаб чиқариш ва уни ташқи бозорга экспорт қилиш мақсадида акциядорлик жамиятлари ижроия органи,кузатув кенгаши, акциядорлар, мехнатжамоаси вакиллари ва бошқа манфаатдор томонлар, шу жумладан,кредиторлар ўртасида мазкур шахслар манфаати уйғунлиги тушунилади.

Жамият ишлаб чиқариш ва молиявий-хўжалик фаолиятини юритиш, жамият молиявий барқарорлигини ошириш,ижро интизоми ва ички назорат тизимини мустахкамлаш мақсадида жамият Кузатув кенгашининг хамда “Андижон тажриба ва синов заводи” АЖ акциядорларининг навбатдаги ва навбатдан ташқари мажлислари ўтказилган бўлиб, йиғилиш баённомалари ўз вақтида имкон қадар бажарилиб борилган.

Бизнес режа кўрсаткичларининг бажарилиши

Тасдиқланган бизнес режага асосан 2021 йил якуни бўйича асосий техник-иктисодий кўрсаткичлар бўйича «Бизнес-режа»нинг бажарилиши қуйидагича бўлган:

минг сўмда

Кўрсаткичлар номи	ўлчов бирлиги	2021 йил учун			2020 йил учун	Ўсиш суръати
		режа	хақиқатда	Режага нисбатан % хисобида		
Сотилган махсулот хажми	Минг сўм	3 950 000	4 923 821	124,65	3 959 963	124,34

Аудитор_____

Scanned by VueScan - get a free trial at www.hamrick.com

Ишлаб чикарилган махсулот хажми						
– амалдаги нархда	Минг сўм	3 950 000	4 719 319	119,48	3 723 224	126,75
– солиштирма нархда	Минг сўм	3 950 000	4 719 319	119,48	3 808 858	123,90
Асосий махсулот турлари						
Нефт саноат асосий воситаларига эхтиёт кисмлар	Минг сўм	2 700 000	2 214 195	82,01	2 158 588	102,58
Сотилган махсулот таннархи	Минг сўм	2 572 932	3 581 461	139,20	3 047 174	117,53
Сотишдан даромад	Минг сўм	1 377 068	1 342 360	97,68	912 789	147,06
Иш хаки фонди	Минг сўм	2 850 000	2 688 645	94,34	2 156 185	124,69
Иш хаки фонди (фукаровий шартномалардан ташкари)	Минг сўм	2 480 000	1 920 397	77,44	1 920 397	1000,0
Ўртача ходимлар сони	Чел.	100	83	83,0	98	84,69
шу жумладан Маъмурий бошкарув ходимлари	Чел.	6	6	100	6	100
Жами ишлаб чикариш ходимлари сони	Чел.	100	83	83	98	84,69
1 ходимга тўғри келувчи ўртача иш хаки микдори	сўм	2 375 000	2 699 443	113,66	1 833 491	147,23
Мехнат унумдорлиги кўрсаткичи	Минг сўм	39 500	56 859	143,95	37 992	149,66
Дебиторлик карзлари	Минг сўм	на 01.01.2021г.	**2 518 089**	на 01.10.2021г.	2 443 573	x
Кредиторлик карзлари	Минг сўм	на 01.01.2021г.	**3 364 407**	на 01.10.2021г.	2 575 863	x
Тайёр махсулот колдиги	Минг сўм	на 01.01.2021г.	**3 316 342**	на 01.10.2021г.	2 462 252	x
Солик тўлагунгача фойда	Минг сўм	**446 369**	**581 536**	**130,28**	**1 008 963**	**57,64**
Соф фойда		**374 017**	**458 439**	**122,57**	**301 558**	**152,02**
Рентабеллик кўрсаткичи	%	**9,5**	**9,3**		**7,6**	

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, жамиятда 2021 йил якуни бўйича Бизнес режа кўрсаткичлари бажарилиши куйидагича бўлган:

Ишлаб чикилган махсулот хажми режага нисбатан 119,48% бажарилиб, 4 719 319,0минг сўмни ташкил этган.

Сотилган махсулот хажми режага нисбатан 124,65 % бажарилган ва 4 923 821,0 минг сўмни ташкил этган.

Дебиторлик карзлари йил бошига нисбатан 74 515,0 минг сўмга ва кредиторлик карзлари 788 544,0 минг сўмга камайган.

Жамият соф фойдаси 2021 йил якуни бўйича 458 439,0минг сўмни ташкил этиб, режага нисбатан 122,57 % бажарилган. Ўз ўрнида рентабеллик кўрсаткичи 9,31 % ташкил этиб, режага нисбатан 0,16 % бажарилмаган.

Аудитор_____

Scanned by VueScan - get a free trial at www.hamrick.com

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2015 йил 28 июлдаги №207-сонли Қарори бўйича

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2015 йил 28 июлдаги №207-сонли Карори бўйича Самарадорликнинг мухим кўрсаткичлари таҳлилини кўздан кечирилганида ижроя орган фаолият самарадорлиги 2021 йил якуни бўйича асосий кўрсаткичлари 67 баллга ва фаолият самарадорлиги қўшимча кўрсаткичлари 115,0 баллга бажарилиб, СМК бўйича ўртача ҳисобланган миқдор 91 баллни ташкил этди. Ижро органи фаолиятини юқори деб бахолаш мумкин.

Ички назорат тизимининг ташкил этилиши тахлили

Ички назорат тизими - хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти томонидан молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилиш ва самарали юритиш, активлар ва ҳисоб ҳужжатларининг сақланишини таъминлаш, хато ва фирибгарлик ҳолатларини олдини олиш ва аниқлаш, бухгалтерия ёзувларининг аниқ ва тўлиқлиги ва ўз вақтида ишончли молиявий маълумотларни тайёрлаш мақсадида қабул қилинган ташкилий тадбирлар, усуллар ва амаллар (ички назорат воситалари) йиғиндисидан иборат.

Ички назоратнинг асосий мақсади таъсисчилар манфаатларини химоя қилишдир.

Жамиятда ички назоратни тўғри йўлга қўйиш мақсадида ички назорат тизими ишлаб чиқилган бўлиб, бу жамият «Хисоб сиёсати»да алохида бўлимда баён этилган.

Ташкилий тузилма жамиятнинг тармоқ хусусияти ва йўналишига асосланган холда ишлаб чиқилган. Лекин жамият томонидан янги ташкилий тузилмага асосланган холда лавозим йўриқномалари қайта кўриб чиқилмаган.

Жамият ички бўлинмаларининг ижро интизоми ва хизмат тизими тахлили

Ички аудит хизматининг иш режасига мувофиқ жамиятнинг айрим таркибий бўлинмалари функционал тузилиши ва ижро интизоми кўриб чиқилганда қуйидагилар аниқланди:

Кадрлар бўлими иш фаолияти

Кадрлар бўлими инспекторлари томонидан бирламчи кадр хужжатлари тўлиқ юритилган (ходимларнинг шахсий варақалари Т-2, мехнат дафтарчалари рўйхатлар китоблари, мехнат таътилига чиқиш графиги, кадрга оид буйруқлар ва бошқалар) ва тегишли органларга кадрлар харакатига оид хисоботлар ўз вақтида тақдим қилинган.

Маъмурий хўжалик бўлими

Маъмурий - хўжалик бўлимининг асосий вазифалари жамият биноларини ва ер участкаларини тозалиги ва санитария холатини сақлаб туриш, жамият номига келган ва жамият номидан чиқиб кетадиган хужжатларни қайд этиб, ижросини назорат қилиб бориш, жамият таркибий бўлинмаларини канцелярия моллари билан таъминлашдан иборат.

Аудитор

Scanned by VueScan - get a free trial at www.hamrick.com

Бўлимнинг барча ишчи-хизматчилари ўртасида хизмат вазифалари тақсимланган ва бўлим бошлиғи томонидан назорат қилиб борилади. Бўлим томонидан «Вазирлар Махкамаси, юқори ташкилотлардан келган қарор, хат ва буйруқлар», «Юқори ва турли ташкилотлардан келган хатлар», «Келган хатлар», «Жамият номидан кетган хатлар», Хизмат сафари гувохномаларини қайд этиб бориш ва хизмат сафарига келганларни қайд этиш, ишлаб чикаришга боғлиқ буйруқларни рўйхатга олиш китоблари юритилган. Ушбу китоблар юритилиши текширилганда хато ва камчиликлар аниқланмади.

Бухгалтерия хисобининг юритилиши ва молиявий хисоботларнинг тузилиши

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 февралдаги ПҚ-4611-сонли “Молиявий хисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан акциядорлик жамиятлари 2021 йилдан МХҲС асосида бухгалтерия хисобини юритиш ва молиявий хисоботни тайёрлашга ўтиш жадвали хар йили тасдиқланиши ва 1 июнга қадар расмий веб-сайтда эълон қилиниши айтиб ўтилган.

Бухгалтерия хисоби хозирги кунга қадар хам бухгалтерия миллий стандартларига асосан олиб борилмокда. Шу сабабли бухгалтерия хисоби холати ва тўғрилигини текшириш миллий стандартларига асосан айрим бўлимлари кўриб чиқилди.

Жамиятда бухгалтерия хисоби «1С: Предприятие» дастури бўйича автоматлаштирилган тартибда олиб борилган ва 1-сонли «Бухгалтерия хисобининг миллий андозалари» талабларига мос равишда 2019 йил учун «Хисоб сиёсати» ишлаб чиқилган.

Жамиятда бухгалтерия хисобини юритиш Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган «Бухгалтерия хисоби тўғрисида»ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтказилган «Бухгалтерия хисобининг миллий андозалари»га асосан юритилган.

Хом-ашё ва материаллар хисоби аудити

Жамиятда товар-моддий захиралари хисоби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 15.06.2006 й. даги 52-сон буйруғи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 17.07.2006 й.да 1595-сон билан руйхатга олинган 4-сонли бухгалтерия хисобининг миллий стандарти (товар моддий захиралар)га асосан юритиб келинади.

1 С Программа дастурига асосан 2019 йил якуни бўйича товар-моддий захиралар харакати қуйидагича бўлган:

ўл. бир.: минг сўм

Счет	Номланиши	Йил бошига қолдиқ	Айланма		Йил охирига қолдиқ
			Дебет	Кредит	
10.10	Омбордаги хом-ашё ва материаллар	126 309,70	767 021,97	788 319,50	105 012,17

Аудитор _____

Scanned by VueScan - get a free trial at www.hamrick.com

10.11	Моддий жавобгар шахслардаги хом-ашё ва материаллар	486 135,17	1 254 387,94	1 415 333,22	325 189,89
10.12	Металл чиқинди	3,93	26,25	29,78	0,40
10.30	Ёқилғи	3 267,00		972,00	2 295,00
10.32	Бакдаги ёқилғи	207,86	8 215,18	7 650,45	772,59
10.34	бакдаги газ	1 369,87	77 166,37	78 139,49	396,75
10.35	Омбордаги бензин		1 330,00	1 330,00	
10.40	Эхтиёт қисмлар	14 451,23	222 076,95	224 298,25	12 229,93
10.50	Омбордаги қурилиш материаллари	18 802,10	13 495,15	32 297,25	
10.51	Моддий жавобгар шахслардаги қурилиш материаллари	3 210,33	54 244,01	54 344,01	3 110,33
10.60	Тара ва тара материаллари	0,13	0,13	0,27	
10.80	Инвентарь ва хўжалик моллари	19 214,01	71 786,96	73 801,79	17 199,18
10.81	Инвентарь ва хўжалик моллари	127 733,09	111 405,08	137 315,66	101 822,51
10.82	Инструментлар	151 075,69	165 669,60	212 954,78	103 790,51
20.10	Асосий ишлаб чиқариш	149 342,07	3 456 408,68	3 496 422,02	109 328,73
20.11	ВЗО		11 341,01	11 341,01	
25.10	Умумишлаб чиқариш харажатлари		628 144,85	628 144,85	
25.12	Жорий таъмирлаш харажатлари		59 623,25	59 623,25	
28.10	Омбордаги тайёр махсулот	2 394 986,33	5 647 287,34	5 768 762,45	2 273 511,22
28.11	Омбордаги тайёр махсулот(РТИ)	94 985,52	29 164,08	-1 613,08	125 762,68
28.12	Омбордаги тайёр махсулот(инструм)		192,10	192,10	
28.13	Омбордаги тайёр махсулот(ТНП)	62 980,64	63 014,42	63 017,15	62 977,91
28.15	Кўрсатилган хизматлар		7 000,00	7 000,00	
	Жами	**3 654 074,69**	**12 649 001,32**	**13 059 676,19**	**3 243 399,82**

Товар моддий захираларининг харажати учун FIFO (биринчи келган биринчи кетади) усулидан фойдаланилади.

Жамиятга келган товар-моддий захиралар бошқарув раиси томонидан тасдиқланган комиссия аъзолари томонидан кўриб чиқилиб, кирим ордери расмийлаштирилади. Марказий омбордан ва моддий жавобгар шахслар томонидан бир бирига товар- моддий қийматликларни ишлаб чиқариш рахбари томонидан имзоланган ички талабномалар ва юк хатлари орқали амалга оширилади.

Амалдаги қонунчилик бўйича товар моддий захиралари бухгалтерия хисобида албатта миқдори ва қиймат кўринишида акс эттирилиши, кирим ва чиким хужжатларида миқдорларнинг жами кўрсатилиши, масъул шахслар томонидан имзоланган хисоботлар ва хужжатларни буяб тўғриламаслик, далолатномага асосан чиқим қилинган товар моддий қийматликлар ва инвентарларни бўлакларга ажратилганда қайта сотиш мумкин бўлган металл, рангли металл, ёғоч ва бошқа материалларни корхона омборига кирим хужжатларини расмийлаштириш ва бухгалтерияга хисобот топшириш, хисоботлар, далолатномалар ва кирим-чиқим хужжатларида масъул шахсларнинг имзолари тўлиқ бўлиши шарт, ушбу холат бўйича

Аудитор_____

Scanned by VueScan - get a free trial at www.hamrick.com

жамият бухгалтерларига тушунтиришлар берилди ва ушбу хатоликларни текширув даврида бартараф этилди.

Шунингдек зиммасида товар моддий қийматликлар бўлган моддий жавобгар шахслар томонидан товар моддий қийматликлари материал харакати бўлмаган баъзи ойлар учун хисоботлар юритилган.

Банкдаги пул маблағлари

Жамиятнинг банкдаги асосий жорий хисоб рақами «Хамкорбанк» нинг Андижон шахар бош офисида очилган. Ушбу хисоб-рақамда 2021 йил якуни бўйича ДСИ томонидан қўйилган инкасса (картотека-2) доимо мавжуд бўлган. Хисоб рақамдаги пул маблағлари жамият ишлаб чиқариш фаолияти тўхтатилмаслиги учун брон асосида иш хақи ва бошқа бирламчи эхтиёжлар учун фойдаланилган.

2021 йил 1 январ холатига 5110-«Жорий хисоб рақами» хисобварагида 21 418,8 минг сўм қолдиқ қолган, йил давомида 5 927 052,0 минг сўм кирим қилиниб, йил давомида бажарилган хўжалик операциялари учун 5 948 469,0 минг сўмлик тўловлар амалга оширилган. Натижада 2022 йил 01 январь холатига 1,7 минг сўм қолдиқ қолган.

Банкдаги жорий хисоб рақамларидаги пул маблағлари тегишли хужжатлар асосида кирим ва чиқим килиниб, бухгалтерия хисоботларида акс эттирилган.

5520-«Корпоратив карта буйича хисоб-китоблар» хисобракамида 2021 йил 1 январ холатига қолдиқ мавжуд эмас, йил давомида 21 500,0 минг сўм кирим қилинган ва 21 500,0 минг сўм хўжалик харажатлари учун сарфланган ва 2022 йил 01 январь холатига корпоратив картада қолдиқ қолмаган.

Корпоратив картадан сарф қилинган маблағлар бўйича бухгалтерия бўлимига масъул шахслар томонидан аванс хисоботлари тақдим қилинган, айрим корпоратив картага олинган материалларнинг чеклари хисоботда тикилмаган.

5531-«Нафака хисоб рақами»да 2021 йил 1 январь холатига қолдиқ мавжуд бўлмай, йил мобайнида Андижон шаҳар Ижтимоий таъминот бўлимидан 3 335,8 минг сўм кирим килиниб, корхонадаги нафақачиларига мақсадли сарфланган.

Дебиторлик қарзлари ва мажбуриятлар

Жамиятда 2022 йил 1 январь холатига бўлган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари қуйидаги жадвалларда акс эттирилган:

минг сўмда

№	Номланиши	баланс сатри	Дебитор карздорлик	Кредитор карздорлик
1	Харидор ва буютмачиларнинг карзи	220	2 042 217	
2	Ходимларга берилган бўнаклар	250	1 074	
3	Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга берилган бунак	260	127 114	
4	Бюджетга солик ва йигимлар буйича бунаклар	270	22 207	

Аудитор_____

Scanned by VueScan - get a free trial at www.hamrick.com

5	Бошка дебитор карзлар	310	250 962	
6	Мол етказиб берувчи ва пудратчиларга карз	610		10 441
7	Шуба ва карам хужалик жамиятлари карзи	630		282 104
8	Олинган бунаклар	670		41 128
9	Бюджетга туловлар буйича карз	680		1 038 978
10	Максадли давлат жамгармаларига карз	700		198 649
11	Таъсисчиларга карздорлик	710		439 550
12	Мехнатга хак тулаш буйича карз	720		442 606
15	Бошка кредиторлик карзлари	760		122 407
	Жами		2 518 088	2 575 863

Дебитор ва кредитор қарздорликлар бўйича бухгалтерия ўтказмалари асосли берилган (хамма хисоб-фактуралар журнал-ордерларга илова қилинган холда ойма-ой тикиб борилган)

6600 (таъсисчиларга бўлган қарзларни ҳисобга олувчи) счётида 439 550,0 минг сўм, муддати ўтган қарздорлик хисобланади, яъни «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 51-моддаси 2 бандига асосан: "Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби жамиятнинг уставида ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кундан кеч бўлмаслиги лозим", деб белгиланган.

Муддати ўтган қарздорликлар бўйича тегишли чоралар кўриш тавсия этилади.

Иш хақи хисоб-китоби аудити

Жамиятда иш хаки хисоб-китоби «1С:предприятие» компьютер дастурида юритилади. Иш хаки жамият штат жадвали ва иш вактини хисобга олувчи табеллар, бажарилган ишлар буйича нарядлар асосида хисобланади.

Жамият бухгалтерия («1С:предприятие» компьютер дастури) маълумотлари бўйича 6710 (мехнат хаки бўйича ходим билан хисоблашишлар) счети оборати қуйидагича бўлган:

минг сўм

Номланиши	Сумма
Йил бошига қолдик	**52 601,18**
Жами хисобланди	**2 710 268,53**
Асосий ва қўшимча иш хаки	1 950 945,60
Тунги соат учун иш хаки	6 253,40
Нормадан ортик суткали тўлов	4 830,40
Мехнат таътили	149 888,36
Овкат пули	18 439,00
Йўл кира	45 708,00
Мукофот	512 579,90
Касаллик варакаси бўйича нафака	21 623,87
Жами ушланди	**2 647 798,50**

Аудитор_____

Scanned by VueScan - get a free trial at www.hamrick.com

Касса	386 886,93
Ходимлар пластик карталарига	1 862 077,06
Ходимлар даромад солиғи	318 220,00
ЖБПХ га	2 674,10
Касаба уюшмасига тўлов	26 540,71
Бошқа ушланмалар	51 399,70
Йил охирига қолдиқ	**115 071,21**

Бундан ташқари 6711 “Пластик карта” счетида ходимлардан пластик картага ўтказиш учун иш хақидан ушлаб қолинган қарз маблағлари акс эттирилган бўлиб, 31.12.2021 йилга 327 534,9 минг сўм акс эттирилган бўлиб, муддати ўтган қарздорликлар мавжуд.

Давлат бюджетига солиқлар ва мажбурий ажратмаларнинг хисобланиши

«Андижон тажриба синов заводи» акциядорлик жамияти 2021 йилда қуйидаги турдаги давлат солиқлари ва мажбурий ажратмаларни хисоблаб тўлаган ва хисоб-китобини алохида субсчётларда юритган:

Солиқ тури	Жамият маълумоти бўйича	Аудит натижаси	Фарқ
Жисмоний шахслар даромад солиғи	318 220,00	318 220,00	0
Дивидент солиғи	9 332,90	9 332,90	0
Ягона ижтимоий тўлов (12%)	322 637,20	322 637,20	0
Жамғариб бориладиган пенсия таъминоити (0,1%)	2 674,10	2 674,10	0
ҚҚС солиғи	775 078,00	775 078,00	0
Мулк солиғи	11 692,40	11 692,40	0
Сув солиғи	464,40	464,40	0
Ер солиғи	121 119,50	121 119,50	0
Юридик шахслар фойда солиғи	123 097,10	123 097,10	0
Жами	**1 684 315,60**	**1 684 315,60**	

Харажатлар таркиби.

Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича харажатлар таркиби ўрганилганда қуйидагилар маълум бўлди:

минг сўм

Ишлаб чиқарилган махсулот таннархи	**қиймати**
Материал харажатлар	893 897,90
Иш хақи ва ажратмалар	1 896 157,30
Асосий воситаларга эскириш харажатлари	38 209,00
Бошкалар	668 157,80

Аудитор_____

Scanned by VueScan - get a free trial at www.hamrick.com

Жами	**3 496 422,00**

Маъмурий ва бошқа операцион харажатлар	**қиймати**
Иш хақи ва ажратмалар	878 001,44
Солиқ ва ажратмалар	273 690,00
Асосий воситаларга эскириш харажатлари	27 981,00
Материаллар	21 010,00
Аудиторлик хизмати харажатлари	10 500,00
Бошқа харажатлар	238 287,86
Жами	**1 449 470,30**

Даромадлар ва молиявий натижалар

Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича тузилган «Молиявий натижалар ҳисоботи» билан «1С» дастури хамда бошланғич хужжатлар маълумотлари ўртасида эса фарқлар аниқланмади ва у қуйидаги кўринишда акс этади:

(минг сўм хисобида)

Т/р	Кўрсаткичлар номи	Хисобот буйича		Аудит буйича	
		Даромадлар	харажатлар	Даромадлар	Харажатлар
010	Махсулот сотишдан тушган соф тушум	4 923 821		4 923 821	
020	Сотилган махсулот таннархи		3 581 461		3 581 461
030	Махсулот сотишдан ялпи фойда	1 342 360		1 342 360	
040	Давр харажатлари жами		1 449470		1 449470
050	Шу жумладан, сотиш харажатлари				
060	маъмурий харажатлар		891 465		891 465
070	Бошқа операцион харажатлар		558 005		558 005
090	Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари	688 646		688 646	
100	Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)	581 536		581 536	
110	Молиявий фаолиятнинг даромадлари				
120	Ш ж дивидентлар шаклидаги даромадлар				
130	Фоизлар шаклидаги даромадлар				
150	Валюта курс фаркидан даромадлар				
170	Молиявий фаолиятнинг харажатлари				
180	Фоизлар шаклидаги харажатлар				
200	Валюта курс фаркидан зарарлар				
210	Молиявий фаолият бўйича бошка харажатлар				
220	Умумхужалик фаолиятининг фойдаси	581 536		581 536	
240	Солиқ тўлагунга кадар фойда(зарар)	581 536		581 536	
250	Фойдадан солиқ		123 097		123 097
260	Фойдадан бошқа солиқ ва йиғимлар			458 439	
270	Хисобот давридаги соф фойда (зарар)	458 439		~~4 923~~ 821	

Молиявий фаолият анализи

Жамиятнинг иқтисодий қобилиятлилиги бўйича унинг молиявий ахволини тахлил килишга кўра иқтисодий ахволни бахолаш учун асосий кўрсаткичлар қуйидагилардир.

Аудитор_____

Scanned by VueScan - get a free trial at www.hamrick.com

- Тўлов қобилияти ёки қоплаш коэффиценти
- Ўз оборот маблағлари билан таъминланганлик коэффиценти
- Харажатлар ва активлар рентабеллиги коэффицентлари

1. Тўлов қобилияти ёки қоплаш коэффиценти-корхонанинг қиска муддатли мажбуриятдарини тўлашга қодирлигини кўрсатиб, дебиторлар билан ўз вақтида хисоб-китоб қилиш, тайёр махсулот тез сотиш ва жорий активларнинг бошқа элементлари билан боғлиқ. Коэффициент жорий активларни (баланснинг 390 сатри) жорий мажбуриятларга (600 сатр) нисбати кўринишида аникланади.

Жорий активлар/жорий мажбуриятлар= 9 993 775 / 2 575 863 = 3,88

Жамият жорий мажбуриятларини жорий активларга нисбатан ўсиш даражаси юкори. Бу кўрсаткич 1,25 қийматдан паст бўлмаса туловга қобилиятли хисобланади.

2. Ўз айланма маблаглари билан таъминланганлик коэффиценти-корхонанинг молиявий барқарорлиги учун зарур бўлган ўз оборот маблағларини мавжудлигини кўрсатади. Ушбу кўрсаткич оборотга йўналтирилган ўз маблағларини, барча оборот маблағлари миқдорига нисбати кўринишида аникланади.

(Ўз маблағлари манбалари + узоқ муддатли заёмлар) - Узоқ муддатли активлар) / жорий активлар) Хисобот даври охирига

Корхона ўз маблағлари манбаи	4 863 554,0 минг сўм (480 сатр)
Узоқ муддатли қарзлари	3 760 321,0 минг сўм (490 сатр)
Узоқ муддатли активлари	1 205 962,0 минг сўм (130 сатр)
Жорий активлари	9 993 775,0минг сўм (390сатр)

(4 863 554 –3 760 321- 1 205 962) / 9 993 775 = (- 0,01)

Низом талаблари бўйича, агар ўз оборот маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти хисобот даври охирига келиб 0,2 дан кам кийматга эга бўлмаса, корхона ушбу кўрсаткич бўйича ўз оборот маблағлари билан таъминланган деб хисобланади.

Харажатлар рентабеллиги коэффициенти - Молиявий натижалар тўгрисидаги 2-шакл маълумотлари асосида аникланиб, солиқ тўлангунча даромадни жами харажатларга нисбати кўринишида аникланади.

Хисобот даври охирига солик тўлангунгача фойда 581 536 минг сўм
Жами харажатлар 5 030 931 минг сўм

Харажатлар рентабеллиги коэффициенти **(351 360/ 5344968,0=0,12)**бўлиб, жамият фойдалилик даражаси пастлигини кўрсатади.

Аудитор_____

Scanned by VueScan - get a free trial at www.hamrick.com

II. ЯКУНИЙ КИСМ

Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатларига, таъсис хужжатларига ва ички меъёрий хужжатларига риоя қилинишини назорат қилиш, маълумотларнинг бухгалтерия хисоби ва молиявий хисоботда акс эттирилишининг тўлиқлилиги ва ишончлилигини таъминлаш, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тамойиллари, активларнинг сақланиши ва корпоратив бошқариш тамойилларининг бажарилишини таъминлаш учун хисоботда келтирилган камчиликларни бартараф этиш тавсия этилади.

«Андижон тажриба синов заводи» АЖ
ички аудит хизмати аудитори Абдурахмонова Т.

Аудитор_____

Scanned by VueScan - get a free trial at www.hamrick.com